



УМАРОВА МОҲИРА

Таянч докторант, ТДШУ

## Таом номларига оид реалиялар ва уларнинг урду ҳамда рус тилларига таржималари хусусида

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-02-11>

**Аннотация.** Ҳар бир мамлакат таржимашунослик мактаблари вакилларининг диққат-эътиборини тортадиган таржимашунослик масалаларидан бири – эквивалентсиз лексикалар саналади. Ушбу мақолада ҳам эквивалентсиз лексикалар сирасига кирувчи сўзлар – миллий хос сўзлар таржимаси ҳақида сўз юритилган. Реалияларни ўзбек тилидан рус ҳамда урду тилларига таржима қилиш усуллари кўриб чиқилган. Мисоллар ўзбек насри дурдоналари саналган П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ҳамда унинг рус ва урду тилларига ва Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси ва қиссанинг урду тилига таржима вариантлари асосида тўпланган. Асарларни ўзаро чоғиштириш жараёнида олинган илмий хулосалар, статистик таҳлил натижалари асосланиб, баъзи ўринларда муаллифнинг таржима варианты ҳам келтириб ўтилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** таржима, реалия, миллий колорит, хос сўзлар, транслитерация, конкретлаштириш, умумлаштириш.

**Аннотация.** Безэквивалентная лексика считается одной из проблем переводоведения, привлекающей внимание представителей переводческих школ каждой страны. В данной статье также говорится о переводе слов, входящих в список безэквивалентных лексиконов - национально-специфических слов. Рассмотрены способы перевода реалий с узбекского языка на русский и урду. Примеры собраны на основе «Звездных ночей» П. Кадырова, считающихся шедеврами узбекской прозы, и их русского и урду вариантов, а также повести Г. Гулама «Шум бола» и ее перевода на урду. По результатам научного анализа и статистического анализа, полученного в процессе перекрестных ссылок произведений, в некоторых местах упоминается и авторский вариант перевода..

**Опорные слова и выражения:** перевод, действительность, национальный колорит, специальные слова, транслитерация, конкретизация, обобщение.

**Abstract.** Non-equivalent lexicons are considered one of the issues of translation studies that attract the attention of representatives of translation schools of every country. This article also talks about the translation of words included in the list of non-equivalent lexicons - national specific words. The methods of translation of realities from Uzbek to Russian and Urdu languages are considered. The examples are collected on the basis of "Starry Nights" by P. Kadirov, considered masterpieces of Uzbek prose, and its Russian and Urdu versions, and G. Ghulam's short story "Shum Bola" and its translation into Urdu. Based on the results of scientific analysis and statistical analysis obtained in the process of cross-referencing the works, the author's version of the translation is also mentioned in some places.

**Keywords and expressions:** translation, reality, national color, special words, transliteration, concretization, generalization.

Таржимашунослик ва таржима назарияси фанида миллий хос сўзлар – реалияларнинг тутган ўрни, уларни бир тилдан бошқа тилга ўгиришдаги муаммолар ва камчиликлар, қайси усулда таржима қилиш лозимлиги ҳақида таржимашунос олимларнинг фикрлари баён этилган.

Мақолада таржимон Манзар Салим, муҳаррир Ш.Мирзаевларнинг таржимонлик маҳорати, сўз танлай билиши, баъзи таом номларини англаувчи миллий хос сўзлар – реалиялар таржимада қандай ифода этилганлиги, ўзбек миллий ошхонаси билан боғлиқ егуликлар ўзбек миллий колоритини қай даражада очиқ берилганлиги ҳақида ёзилган.

Шу билан бир қаторда, умуман эквивалентсиз лексика сирасига кирувчи миллий хос сўзлар таржима матнида қандай ифода этилса, китобхонларга тушунарлироқ бўлиши борасида ҳам фикр билдирилган.

Мақолада статистик таҳлил, тавсифлаш ҳамда тасвирлаш усуллари билан фойдаланилган.

Бугунги кунда, мамлакатимизда барча соҳаларда жадал суръатларда ривожланишлар кузатилаётган бир пайтда чет эл мамлакатлари билан ҳам ҳар томонлама алоқалар мустаҳкамланаётганлиги кузатилмоқда. Шу ўринда таълим, маданият соҳаларида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Барчага маълумки, мамлакатларни бир-бирига





таништиришда, маданиятини танитишда энг самарали усул бу – адабиёт саналади. Яъни икки мамлакат маданияти, урф-одати, анъаналари билан биз ушбу мамлакатда яратилган асарлар ҳамда уларнинг таржималари орқали билиб оламиз. Сўнги йилларда, хориж адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш кузатилаётган бўлса, шу билан бирга хорижликлар томонидан мамлакатимиз тарихи, маданияти, миллий қадриятларини ўрганишга бўлган қизиқиши ҳам ортаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Хусусан, бу ўз навбатида таржимашунослик, таржимонлик соҳаларига бўлган талабни ошишига замин яратмоқда. Айниқса забардаст ўзбек ёзувчилари томонидан яратилган ижод маҳсулларини чет эллик китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш, миллийлигимизни, анъаналаримизни қандай бўлса шундайлигича, тўлақонли етказиб бера олиш таржимонлардан катта масъулият ва билим талаб этади. Жумладан, Покистон Ислоҳ Республикаси давлат тили бўлган урду тилига ҳам ва аксинча, урду тилидан ўзбек тилига ҳам талайгина асар ва шеърлар моҳирона таржима қилинган.

XX асрда яратилган ўзбек насри дурдоналари бизнинг миллий маданиятимизни, қадриятларимизни дунёга танитган дея оламиз.

Жумладан, атоқли ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур” романи, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси урду тилига қилинган таржималарини мисол қилиш мумкин. П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур” романи урду тилига рус тили орқали билвосита таржима қилинган бўлса, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси ўзбек тилидан урду тилига бевосита ўгирилган. Эътиборли жиҳати, мазкур асарлар урду тилига тил соҳиби, таржимон Манзар Салим томонидан таржима қилинган.

Ушбу мақоламизда биз XX асрда яратилган ўзбек насри дурдоналари ва уларнинг рус ҳамда урду тилларидаги таржималарида таом номлари билан боғлиқ хос сўзлар, уларнинг таржималарда қай тариқада акс эттирилгани ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, “реалия”лар деганда миллий хос сўзларни англлатувчи сўзлар тушунилади. Масалан, таом номлари мисолида олинса, “Суши” деганда инсон кўз олдига Япония, “Ладду” деганда Ҳиндистон, “Баклава” сўзини эшитганимизда эса Туркия ва “Палов” номи келганда Ўзбекистон келади. Мана шу каби таом номлари таржимада қандай берилади, қайси усулда таржима қилинган маъқул? Шу сингари саволлар таржимонларни доимо иккилантириб, қийнаб келган. Зеро, Гёте айтганидек: “Таржима жараёнида таржима қилиб бўлмайдиган унсурларга қадар етиб бориш керак бўлади, фақат шундагина бошқа халқ, бошқа тилни яқиндан билиб олиш мумкин”. Бу каби сўзларни ўгиришда нималарга эътибор қаратиш кераклиги, қайси таржима усулларини қўллаган тўғри бўлади ва шу каби саволлар ҳали ҳануз ўз жавобини топган эмас.

Таом номлари билан боғлиқ хос сўзлар бадиий асарларда энг кўп учрайдиган реалияларга киради ва у асар ва миллат миллий колоритини юзага чиқаришга катта хизмат қилади.

Асарларни таҳлил қилиш жараёнида айнан таом номлари билан боғлиқ реалияларни таржима қилишда М.Салим таржиманинг бир нечта усулларидан фойдаланганлиги кузатилди. Жумладан, транслитерация усулининг икки хил кўриниши: изоҳли ва изоҳсиз, аналогия усули, сўзма-сўз таржима, конкретизация (аниқлаштириш) ва генерализация (умумийлаштириш) усуллари.

Мисоллар орқали уларни кўриб чиқамиз:

Егулик ва таом номлари билан боғлиқ хос сўзларни таржима қилишдаги илк усул сифатида изоҳсиз транслитерация усули кўриб чиқилди:

Ичингда мой қайнаётитими, ё қазу-қарта едингми? [Ш.Б.98]	"تمہارا جسم چربیا گیا یا تم نے بہت زیادہ سرگزشت ایک لڑکے کی [ فزی کھا لی ہے؟" - ۱۰۹ ص .
---	---





Ушбу гапта аслиятда *қазу-қарта* егулик номи келтирилган. Мазкур реалиядаги “қазу” сўзи урду тилига транслитерация усули билан таржима қилинган. “*Қарта*” эса тушириб қолдирилган ва таржимада ўз аксини топмаган.

Транслитерация усули реалиялар таржимасида энг кенг тарқалган усул ҳисобланса-да, айнан ушбу жумлада “қазу”нинг урду тилида ҳам изоҳи келтирилиб ўтилиши лозим эди. “*Қазу*” бизга маълумки, от гўшtidан тайёрланадиган егулик. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (кейинги ўринларда ЎТИЛ) унга шундай таъриф келтирилиб ўтилган: “Отнинг тўш ва пешноп гўшти; шундай гўшtdан отнинг йўғон ичагига тикиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти”<sup>1</sup>. “*Қарта*”га эса қуйидагича таъриф берилган: “Отнинг ёғли йўғон ичаги ва ундан махсус тайёрланган, кўпинча яхна қилиб ейиладиган таом”<sup>2</sup>. Ушбу егулик тансиқ саналади ва кўпинча совуқ кунларда тановул қилинади ва контекстга аҳамият берилса, у ерда боланинг исиб кетаётгани, чанқагани ҳақида сўз кетмоқда. Маълумки, қазу “иссиқлик” яъни инсон ички иссиқлигини оширадиган таом. Ёзувчи ана шунга ишора қилган ҳолда “қазу-қарта”ни қўллаган. Аммо бу урду тилида тўлиқ берилмаган. Таржима жараёнида мутаржимдан айнан мана шу каби нозик жиҳатларга аҳамият бериш лозим саналади. Бу таом ҳақида маълумотга эга бўлмаган китобхонлар нега айнан ушбу таом номи келтирилганлигини тушунмай қолиши мумкин.

Юқорида кетирилган мисол “Шум бола” қиссасидан олинган бўлиб, улар изоҳсиз транслитерация усулига тегишлидир. Қуйида келтириладиган таом номлари, егулик номларига доир мисол эса изоҳи келтирилган реалиялар саналади ва уларнинг аксариди изоҳлар саҳифа сўнгида тўлиқ келтирилган. Айнан таом номларига келтирилган изоҳларда асосий омил сифатида таомга ишлатиладиган масалликлар ва тайёрланиш усули қайд этилган. Бунда изоҳлар муҳаррир Ш.Мирзаев томонидан келтирилган. Масалан,

<p>Бошимга қўйиб, катта сафар учун йўлга тушдим, аммам мушукларга <i>шавла</i> пишириш билан овора бўлгани учун, менинг чиқиб кетганимни пайқамай қолди.[Ш.Б. 14]</p>	<p>جب میں گھر سے نکل رہا تھا تو وہ بلیوں کے لئے شولا پکا رہی تھیں۔ [ سرگزشت ایک لڑکے کی . ۱۸ ص . ]</p>
---	--

Мазкур жумладаги “шавла” реалияси ўзбек китобхонларига яхши таниш овқат номи. Аммо урду тили китобхонлари учун бу нотаниш бўлади. Уду тилидаги таржимада М.Салим ва муҳаррир томонидан транслитерация+изоҳ усулини қўлланилган, яъни таом номига саҳифа сўнгида изоҳ келтирилган: “شااولا – گاجر، چاول اور گوشت سے پکا ہوا پلاؤ جیسا لیکن اس سے ذرا ”. *Паловга ўхшаш, лекин бироз юмшоқроқ, сабзи, гуруч ва гўшtdан тайёрланадиган таом*”, сингари. Ўйлашимизча, таржима жуда муваффақиятли чиққан. Таржимон ва муҳаррир масалани жуда чиройли ечимини топа олишган. Натижада китобхонларда таом ҳақида тасаввур ҳосил бўлган.

Р.Файзуллаева ўз тадқиқот ишида таом номлари билан боғлиқ реалияларни ва умуман миллий хос сўзларни таржима қилишда транслитерация усулини энг самарали усул деб таъкидлайди. Аммо агар реалиялар ҳар доим ҳам транслитерация усулида таржима қилинаверса, у ҳолда китобхон ҳадеб ўқиётган жойида тўхтаб, берилган изоҳларга мурожаат қилаверишига тўғри келади ва натижада бадий матннинг таъсир кучи йўқолади ва эстетик завқ олиш камайишини айтиб ўтади<sup>3</sup>.

“Шум бола” қиссасида аналогияни беришда ҳар доим ҳам тўғри вариантлар танланмаганлиги кузатилди. Масалан: *Қорнимизни тўйғизиб олмаймизми, нўхотиўрак емаймизми?* [Ш.Б.132]

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.15.

<sup>2</sup> Ўша асар. Б.59.

<sup>3</sup> Р.Файзуллаева К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе. Дисс.канд. фил. наук. – Ташкент, 1972, 95 стр.





ابله بونے جنے کیوں نہ خرید جائیں؟ [ سرگزشت ایک لڑکے کی ۱۰۱ ص ]

Юқорида келтирилган мисолда икки дўстнинг бироз пул ишлаб топгандан сўнг мазалироқ, тансиқроқ таом егиси келганидаги суҳбати акс этган. “Нўхотшўрак” айнан шундай таомлар сирасига киради. ЎТИЛ да ҳам “Нўхотшўрак”га: “[Нўхат+шўрак] Нўхатни гўшт билан қайнатиб, димлаб тайёрланадиган тансиқ таом”<sup>1</sup> дея таъриф келтирилган. Таърифдан ҳам кўриниб турибтики, “нўхотшўрак” таоми тансиқ таом, қисса воқеалари акс этган даврда уни ейишга ҳам, тайёрлашга ҳам кўпчиликнинг қурби етмаган. Контекстда эса ёзувчи айнан шунга ишора қилган. Узоқ вақт оддий, енгил овқат еб, қорни доим ҳам тўймай юрган болалар бироз пул ишлаши биланоқ тансиқ таом харид қилишни истаб қолишгани кўрсатилган.

Аммо аслиятдаги ушбу яширин ишора урду тилида у қадар ўз аксини топмаган, назаримизда. Яъни урду тилига бу овқат “қайнатилган нўхат” каби таржима қилинган. Кўриниб турибтики, аслиятдаги коннотация таржима асарда деярли сезилмаган. Агар ушбу жумлага “гўшт”ни ҳам қўшган ҳолда, транслитерация+изоҳ комбинациясидан фойдаланилганда, ёзувчи ўзбек китобхонларига етказмоқчи бўлган маъно, урду тилида ҳам намоён бўлар эди. Ёки “нўхотшўрак”нинг тансиқ таом эканлигини англатувчи сўзни қўшиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Хос сўзларни она тилига ўгиришда аввало уларнинг муайян контекстларда ўтаб келаётган ахборий ва услубий вазифаларини аниқлаш, сўнгра таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айна пайтда шу тил меъёри ва маданияти даражасидаги лисоний воситалар танлаш зарурати туғилади”<sup>2</sup>. Таржимашунос Қ.Мусаевнинг фикрлари сўзларимизга далил бўла олади. Яъни бу ердаги мисолда – “нўхотшўрак” - ахборий вазифа сифатида келган ва у ўспирин ёшидаги болалар бақувватроқ, кундалик енгил овқатлардан фарқли бир тансиқ таом емоқчи бўлишганлигига, уларнинг ёшида бу катта аҳамият касб этишига ишора қилинган.

“Шум бола” асарида асл ўзбек халқининг турмуш тарзи ифода этилган. Таом номларининг ҳам хилма-хиллигини учратиш мумкин. Юқорида келтирилган мисолларда оддий халқ истеъмол қиладиган таолар ҳам, ўзига тўқ, бой инсонлар тановул қиладиган таом номларини ҳам учраттик. Улар ўртасидаги тафовутларга ёзувчи ишоралар келтирган. Қуйидаги мисолда ўша даврдаги таом бозори акс этган гап келтирилган: *Бироз ҳиди бўлса ҳам жигар кабоб дейсизми, картошка сомса, оқшоқ бўтқа, умоч, буғдой гўжа, тариқ гўжа дейсизми – ҳаммаси ҳам челақ-челақ хўрандага мунтазир.*

یہاں کلیجی کی بھنی ہوئی بوٹیوں (کلیجی کچھ بدبودار سی تھی لیکن ایسی چھوٹی موٹی بات کون توجہ دیتا؟) ، آلو کے سنپوسوں، مکرونی، جاول کی لپسی، ابلے بونے گیہوں کے شوربے، گھنگھنی کے شوربے غرض مختلف کھانوں تھیں! [سرگزشت ایک لڑکے کی ۳۳ ص.] کی پوری پوری بالٹیاں گابکوں کی منتظر

Ушбу жумлада бир нечта таом номлари келтирилган ва табиийки, таржима қилишнинг бир қанча усуллари қўлланилган. Жумладан:

“Жигар кабоб”, “Картошка сомса” каби таомлар урду тили учун ҳам таниш бўлгани сабабли сўзма-сўз таржима қилинган ва адекватликка эришилган.

Оқшоқ бўтқа эса анча ўзгаришларга учраган: маълумки, оқшоқ майда гуруч бўлиб. “оқшоқ бўтқа” ана шу майда гуручдан тайёрланадиган бўтқадир. Унинг асосий таркибида майда гуруч ҳамда сут ёки сув бўлади, ҳамда у енгилроқ бўлса ҳам таом саналади. Аммо урду тилида у “*مکرونی*” яъни “макарондан тайёрланадиган таом” дея ўгирилган. Бу аслиятдан анча йироқ. “Оқшоқ бўтқа” асардаги воқеа-ҳодисалар бўлган даврда ҳам, ҳозирги кунда ҳам оддий халқ таоми саналиб келинади. Уни бойлар ҳам, ўртаҳол кишилар ҳам умуман барча истеъмол қилиши мумкин. Бу таом ўша даврнинг колоритини яхшироқ акс

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.66.

<sup>2</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., Фан. 2005. – 92 б.





эттириб туради. Шу сабабли ҳам унинг урду тилидаги таржимаси мос тушмаган. Маъно бутунлай ўзгариб кетган.

“Умоч”га келсак, ЎТИЛ да унга шундай таъриф келтирилган: “Уваланган хамир солиб пиширилган суюқ ош”<sup>1</sup>. Луғатнинг ўзида ушбу овқатга мисол келтирилади: “Атала, умоч... каби суюқ ошларнинг масаллиғи камчил бўлганлиги сабабли... “камбағал овқати” деб юритиларди”<sup>2</sup>. Ушбу мисол юқоридаги фикримизга асос бўла олади. Мазкур овқат урду тилига “*چاول کی لپسی*” деб ўтирилган. Урду тилидаги келтирилган таом, аслида кўпроқ ширинлик номига тўғри келади, яъни, интернет саҳифаларида ушбу сўз “*مٹھائی*” – [mitha:i:] ширинлик деб келтирилади. Кўриниб турибдики, “умоч”ни беришда ҳам бироз ғализлик кўзга ташланади.

*Бугдой ва тарик гўжса* каби таом номлари “қайнатилган бугдойдан тайёрланган шўрва” ва “тарикдан тайёрланган шўрва” сингари таржима қилинган. Гўжанинг суюқ ошлигини ҳисобга олган ҳолда таржимага қаралса, ўтирмалар яхши амалга оширилган. Чунки урду тилида “Шўрва” сўзи қўшилган ва бу фикримизча, таржимоннинг ютуғидир.

Жумлаларни чоғиштириш жараёнида, турли хил таом номи ҳар хил жойда бир хил аналог билан таржима қилингани ҳам кузатилди:

*Бир товоқ угра ошдан бир нима чиқди шекилли, хўранда...* [Ш.Б. 32]

*کبھی کبھی پیالوں میں مکرونیوں کے ساتھ کالی کالی کوئی چیز بھی مل [ سرگزشت ایک لڑکے کی ۰۳۳ ص ۰ جاتی تھی۔*

Гапда келтирилган “угра ош” таом номи урду тилига “*مکرونیوں*” яъни, “Макарондан тайёрланадиган таом, макаронли таом” деб таржима қилинган.

“Угра ош” ЎТИЛда : “1. Юпқа ёйилиб, узун ва майда қилиб кесилган хамир. 2. Шундай хамирдан тайёрланган суюқ ош”<sup>3</sup>. Ўзбек халқи учун угра ошининг суюқ овқат эканлиги яхши маълум. Аммо урду тилида ушбу тушунча бироз йўқолган, яъни угра ошнинг суюқ таом эканлигига ишора қилувчи ҳеч қандай сўз ёки жумла мавжуд эмас. Шу билан бирга, юқорида келтирилган “оқшоқ бўтқа” таоми ҳам урду тилига “*مکرونی*” деб ўтирилган. Юқоридаги гапда ушбу сўз у қадар тўғри ўтирилмаган бўлса, “угра ош”га “*مکرونی*” нисбатан тўғри ўтирилганини кузатишимиз мумкин. Аммо бунга ҳам аниқ ва ўринли таржима деб бўлмайди.

Юқорида келтирилган усуллардан ташқари, таом, егулик ва озиқ-овқатларга доир мисолларни таҳлили жараёнида таржима қилишнинг конкретлаштириш ва тушириб қолдириш усулларини ҳам учратдик:

<p>Дастурхондан <i>седаналик иссиқ</i> нон ва <i>ҳандалак</i> ҳиди келади. Нон еб, бир косадан <i>қатиқли ош</i> ичганларидан кейин Тоҳир Андижонга кетиш ҳақидаги гапнинг учини чиқаришга чоғланди. [Ю.Т.10]</p>	<p>Пахло горячими лепешками, дыней. Вкусен был хлеб, вкусна была мастава, заправленная кислым молоком. [З.Н. 8.]</p>	<p>فضا میں گرم گرم نانوں اور سروں کی خوشبو بسی بوتی تھی۔ <i>ناتین</i> بھی ذائقے دار تھیں اور یہی <i>پڑا مستاوا</i> بھی۔ [ظہیر الدین بابر ]</p>
---	--	--

Ушбу жумлада ҳам бир нечта егулик ва таом номи келтирилган ва аслиятдаги барча таом номлари рус тилида қандай бўлса, урду тилида ҳам худди шундай таржима қилинган. “Юлдузли тунлар” асари “Шум бола” қиссасидан фарқли равишда рус тилидан билвосита таржима қилинганлиги сабабли жуда кўп жойлари таржима қилинмай қолиб кетган ва таржима рус тилида қандай амалга оширилган бўлса, урдуда ҳам бир хил бўлган.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.26.

<sup>2</sup> Ўша ерда. Б.26.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.5.







1. *Седаналик иссиқ нон* – “седаналик нон” деганда ўзбекларда кўпроқ “ёпган нон” тушинилади, яъни устига седана сепилган нон. Рус тилида ҳам биринчи “лепёшка”, сўнг умумий қилиб, “хлеб” сўзи ишлатилган. Урду тилига бу реалия - “نان” яъни умумлаштириб “нон” дея ўгирилган. ундан ташқари, урду тилидаги ушбу сўз музаккар жинсига хос сўз саналади. Аммо уни мутаржим кўпликда муаннас жинсида бермоқда. Бундай ифода балки М.Салим яшаган ҳудудга хос бўлиши мумкин. Аммо мазкур асар фақат бир ҳудуд вакиллари учун эмас, балки омма учун таржима қилинар экан, уни бундай ўзига хос услубда эмас, барчага тушунарли ва тил учун қабул қилинган нормаларга таянган ҳолда ўгириш лозим, фикримизча. Ушбу сўзни ифода этишда эса урду тилида таржиманинг умумлаштириш усулини кузатишимиз мумкин.

2. *Ҳандалак* – ҳандалак сўзи урду тилига “نسرده” ва рус тилига “дыня”, яъни қовун деб таржима қилинган. ЎТИЛ да берилган таърифга мурожаат қилсак, мутаржим таржимаси ўринли эканини кузатамиз: “Ҳандалак - қовуннинг юмалоқ, майдароқ, хушбўй, эти юмшоқ, эртароқ етиладиган бир тури”<sup>1</sup>. Агар таржимон “ҳандалак”га бироз шу келтирилган таърифлардан бирини берса, яна ҳам тушунарлироқ бўларди, аммо умумлаштириб қовун деб кетиши ҳам катта йўқотишга олиб келмаган, назаримизда.

3. *Қатиқли ош* – аслиятда айнан қандай қатиқли ош эканлигига урғу берилмаган бўлсада, урду ва рус тилларига у “мастава” деб таржима қилинган. Фақат рус тилидан фарқли равишда урдуда саҳифа сўнгида “туруч ва қиймадан тайёрланадиган таом” изоҳини келтирган. Бу билан мутаржим “қатиқли ош” таомида таржиманинг икки усулини: аслиятга нисбатан конкретлаштириш ва интерпретация усулини ҳамда рус тилига нисбатан транслитерация ва изоҳ усулини қўллаган ва таржима чиройли чиққан.

Таом номлари билан боғлиқ хос сўзларни таржимаси анча мураккаблиги таржимашунос олимлар томонидан ҳам таъкидланган. Чунки айнан таом, егулик ва озиқ-овқатлар миллий колоритни юзага чиқарувчи асосий унсурлардан бири саналади. Шу билан бирга таржимашуносликда айнан таом номлари билан боғлиқ хос сўзларга оид махсус илмий ишлар бажарилмагани бу мавзу устида анча ишлаш лозимлигини тақозо этади. Фанда олимлар томонидан бундай сўзларни қандай усулда таржима қилиш ўринли эканлиги ҳақида аниқ тўхтамга келинмаган. Аммо кузатувлар натижасида энг маъқул усул сифатида транслитерация+изоҳ усулини келтириш мумкин.

Юқоридаги мисолларни кўриб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Таом номлари билан боғлиқ хос сўзлар - реалияларни ўгиришда бизнингча, энг тўғри усул – транслитерация + изоҳ эканлиги кузатилди. “Шум бола” қиссасидаги барча саҳифа сўнгида келтирилган изоҳлар муҳаррир Ш.Мирзаев томонидан келтирилган бўлиб, бунда изоҳи келтирилади асосан шу таомнинг тайёрлиниши ва унга ишлатиладиган масаллиқлар билан берилган. Бундан ташқари таом номларини англаувчи реалияларни урду тилида аналогия усули билан ҳам кўп берилган. Бунда ҳам асосан, аналог танлаш учун мутаржим ҳар икки таомнинг асосий масаллиғига қараб танлаган. Бундан ташқари, “Юлдузли тунлар” романининг Ю.Суровцев томонидан қилинган рус тилидаги таржимасидаги баъзи тушунарсиз бўлган таом номлари урду тилидаги таржимада тушунарли қилиб, изоҳлар билан берилган. Бу ўз навбатида таржимон М.Салим ва муҳаррирнинг ютуғи ва маҳоратини очган ҳамда урдузабон китобхонлар учун ўзбек миллий колоритини янада тўлиқроқ етказиб беришга хизмат қилган.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.46.

